87а
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 5 декабрь, № 236 (4899) Шанба

БАРҚАРОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ

Олий Мажлис Сенатида давом этаётган ялпи мажлисда юртимиз бугуни ва келажагига оид муҳим масалалар кўриб чиқилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Шу йил 4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни ва ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, модернизацияланган, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

2010 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлатнинг 2010 йилги солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юкини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтиришга ҳамда уларнинг харид қобилиятини оширишга, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва такомиллаштиришга, микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг мақбул базавий ставкасини ўрнатишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ миқдорларини бир хиллаштиришга қаратилади. Масалан, ҳисобкитобларга қараганда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг амалдаги 10 фоизлик базавий ставкасини 9 фоизга туширишни 2010 йилда хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 52 миллиард сўмдан ортиқ маблағ қолдирилишига имкон беради, бу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни тезлаштириш учун шароит яратади.

Аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилади. Шу билан бирга, солиқ солинадиган даромадни олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўланадиган, шунингдек, Халқ банкидаги фуқароларнинг жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдорида камайтириш тарзидаги қўшимча имтиёзларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар 2010 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатлар улушини 2009 йилдаги 55,6 фоиздан 2010 йилда 59,1 фоизгача кўпайтиришни назарда тутаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш, таълим, ночор аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларини молиялашни кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақаларни ошириш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолининг бандлиги, даромадлари ва турмуш даражаси ўсишини таъминлаш, меҳнат бозорида иш кучига бўлган талабни ошириш учун республика ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал қилишдаги масъулиятини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Сенаторлар Дастурнинг прогноз кўрсаткичлари меҳнат бозорига биринчи марта чиқаётган ёшларни ва иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартишлар натижасида бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларига бўлган талабни, шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича барча мавжуд имкониятлар ва захираларни баҳолашдан келиб чиқиб белгиланганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Дастурда 2010 йилда Инвестиция дастурини, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш, кичик корхоналар, микрофирмалар очиш ҳамда хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ҳисобига 950 мингта янги иш ўринларини яратиш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирманчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунида сенаторлар қатор қонун ҳужжатларини муҳокама этишди. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш жараёни, айниқса, қизғин кечди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Зеро, ушбу ҳужжатлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Танаффус пайтида мухбиримиз билан суҳбатда бўлган сенаторлар ҳам масаланинг шу жиҳатига урғу беришди.

— Республикамиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, умуман, деҳқончиликнинг ўрни ниҳоятда катта, — дейди сенатор А. Эсиргапов. — Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг салкам 30 фоизи айнан қишлоқ хўжалигига тўғри келиши ҳам бунинг тасдиғидир. Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ишлаб чиқаришни ривожлантириш, зарурий тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши ва амалга оширилишига замин яратади. Шу боисдан бу масалага 2010 йилги «Бюджетнома»да алоҳида эътибор берилган.

Сир эмас, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик экинлари, асосан, суғориладиган ерларда етиштирилади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ўз вақтида ва етарли миқдорда сув билан таъминлашга зарурат катта. 2010 йилда сув хўжалиги иншоотларини сақлаш, фойдаланиш ва уларни доимий ишга тайёр ҳолатда тутиш тадбирлари учун ҳам Давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кутилмоқда. Шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан ушбу мақсадларга 2010 йилда 150 млрд. сўм маблағ йўналтириш белгиланаётир.

Бу маблағлар ҳисобига келгуси йилда жами 89 та мелиоратив объект қурилади ва реконструкция қилинади. Мазкур йўналиш бўйича 65,8 млрд. сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Жумладан, 603,9 км. узунликдаги коллекторларни, 200 дона мелиоратив, 205 дона вертикал дренаж қудуқни ҳамда 13 дона мелиоратив насос станциясини таъмирлаш ва қуриш ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, 201,5 км. ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғини тиклаш ҳамда 5 та гидроиншоот қуриш мўлжалланмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини етарли миқдорда сув билан таъминлашга хизмат қилади.

— Бугун сенаторлар муҳокама этган масалаларнинг аксарияти халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлаш, аҳолини иш билан банд қилишга ҳамда жойларда инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилгандир, — дейди сенатор Ҳ. Муҳамедов. — Жумладан, Давлат бюджети параметрларида бу борада кўплаб янги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Масалан, 2007 — 2010 йилларда ва узоқ муддатли истиқболда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, 2010 йилда Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан кенг ҳажмдаги автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ҳамда тегишли техникаларни харид қилиш мўлжалланаётир. Шу билан бирга, Минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурини рўёбга чиқаришга Осиё Тараққиёт банкининг имтиёзли қарз маблағлари йўналтирилади. Пировардида худди мана шу дастурларни бажариш мақсадида 6 мингдан зиёд янги иш жойлари барпо этилади.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

Манал Шах АЛКАДРИ:

ЎЗБЕКИСТОН – ЎЗ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИНИ ТЎҒРИ ТАНЛАГАН МАМЛАКАТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Манал Шах АЛКАДРИ билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ҳиндистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам демократиянинг умумий қадриятларига ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистон минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда етакчи ўринга эга мамлакатдир. Юртингиз глобал терроризм таҳдидларига қарши курашиш борасида ҳам халқаро ҳамжамиятда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ўзаро алоқалари мустаҳкам дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида фаол ривожланиб бормоқда. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари муҳим ўрин тутади. 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



Янги қўшма корхона

НАМАНГАН шаҳрида "Goodwill KBNR" қўшма корхонаси иш бошлади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхона чорва моллари ҳамда паррандалар учун турли минерал модда ва дармондори маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган.

Айтиш жоизки, корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун кореялик ишбилармонлар 2 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритишди. Янги қувватларнинг ишга туширилиши билан бу ерда йилига 2500 тоннадан зиёд импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилади.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбектелеком мобайл»нинг алоқа станцияси

БУХОРО. Пешку туманида "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Ўзбектелеком мобайл" филиали алоқа станцияси ишга туширилди.

Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ҳамкорлигида амалга оширилган мазкур лойиҳа шарофати билан эндиликда энг олис қишлоқларда яшовчи аҳоли ҳамда чўл ҳудудида ишловчилар ҳам мобиль алоқанинг бу туридан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Мазкур станцияда барча турдаги сервис, жумладан, Интернет хизмати кўрсатилиши мижозларга қулайлик туғдирмоқда. Унинг хизматидан икки мингта абонент фойдаланиши мумкин.

Ҳозирда Бухоро вилоятида 13 та шундай станция ишлаб турибди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқнинг кўркам гузари

АНДИЖОН. Кўрғонтепа туманининг Султонобод қишлоғида замонавий гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

"Султонобод" савдо-ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган мазкур муҳташам иншоотдан савдо расталари, новвойхона ҳамда турли маиший ва сервис хизмати шохобчалари жой олган.

Ушбу қулайлик вилоятнинг энг олис ҳудудларидан бирида жойлашган қишлоқ кўркига кўрк қўшиши билан бирга, бу ерда истиқомат қилувчи йигирма мингдан зиёд аҳолига катта қулайликлар яратди.

Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган ғузар қурилишига 60 миллион сўм маблағ сарфланди. Эътиборли жиҳати, мазкур хайрли ташаббус натижасида ўндан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Имкон»нинг имконияти кенгаймоқда

ҚИБРАЙдаги шоколад ва музқаймоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Имкон-плюс" корхонасининг имкониятлари янада кенгаядиган бўлди.

Ҳозирга қадар 50 хил музқаймоқ, 10 турдаги шоколад ишлаб чиқараётган корхонага Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 4 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит берилди. Бу эса корхона қувватини ошириш билан бир қаторда, маҳсулот турларини кўпайтириш, цехларни янги замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозлаш имконини берди.

Айни пайтда корхонада қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

М. ИСОҚУЛОВА.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ САРФИ ТЕЖАЛАДИ

2009 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимиз бўйича электр тармоқларида энергия сарфининг аниқ ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш имконини берадиган

361,4 **минг дона электрон ҳисоблагич ўрнатилди.**

Электроэнергетикани модернизациялаш, энергия сарфини қисқартириш ва тежаш тизимини жорий этиш дастурларининг изчил амалга оширилиши туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларига сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини оширишга, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этишга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланиш учун шароитларни мақбуллаштиришни ҳамда хўжаликларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжалигини юритиш учун бериладиган ер участкасининг энг кам майдонини кўпайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, солиқ мажбуриятларини бажаришдан бош тортганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидан. Қонун ҳисобкитоб терминалларидан фойдаланмаган ҳолда фаолият юритганлик ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилишни рад этганлик учун молиявий жавобгарлик белгилайди. Солиқ солинадиган жами даромаддан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўланадиган маблағларни, шунингдек, Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларни чегириш тарзида жисмоний шахслар учун қўшимча имтиёзлар киритилмоқда. Корхоналарнинг ҳомийлик ва хайрия фаолиятини рағбатлантириш мақсадида юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ҳомийлик ва хайрия ёрдами тарзидаги бадаллари, маблағлари суммаси миқдорида, лекин кўпи билан икки фоизга камайтирилиши белгилаб қўйилмоқда. Қонунда Солиқ кодексининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлашга қаратилган аниқлик киритиш ва тушунтириш тарзидаги бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам назарда тутилган. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Ушбу Қонунни ривожлантириш тарзида сенаторлар «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам маъқулладилар. Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Хусусан, Қонун билан органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби бузилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Қонунга мувофиқ, мазкур тоифадаги маъмурий ишларни кўриш давлат солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига ва унинг жойлардаги бўлинмаларига таллуқли қилиб қўйилмоқда.

Сенаторлар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа қонун ҳужжатларидаги атамаларни мазкур қонунлардаги атамалар билан бир хилда қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар мазкур Қонун жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, ҳақиқатни аниқлаш, қонунийлик ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини амалга оширишга йўналтирилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш муддати прокурор томонидан суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра бир ойгача узайтирилиши мумкинлигини назарда тутадиган ўзгартишлар киритилаётганлигини таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида қайд этилганидек, ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлда қабул қилинган «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган.

Қонуннинг асосий мақсади тижорат банклари учун молиявий восита сифатида облигацияларни кенг қўламда чиқаришнинг қонунчилик базасини яратишдан иборат. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши молиявий ресурсларни узоқ муддатли асосда жалб этиш учун банкларга қулай шароитлар яратиб беради, бу эса мазкур маблағларни иқтисодиётнинг реал секторидаги лойиҳаларга самарали инвестициялаш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



Сўнгра сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилиб, қабул қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва унинг тавсифини тасдиқлашни назарда тутиши қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низом Фахрий ёрлиқ билан мукофотланиши мумкин бўлган субъектларни аниқлаб қўяди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти ёки шу миқдордаги эсдалик совғаси берилишини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғининг тавсифи Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғининг ўлчамини, рангини, тасвирларнинг моҳиятини ва бошқа тегишли маълумотларни белгилайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини амалда таъминлашни ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгилайди. Шу жумладан, ушбу модда одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келган, атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солган ҳуқуқбузарлик учун, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яширганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки фавқулодда вазиятлар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этганлик учун ҳам жавобгарликни назарда тутади.

Қонун билан бу ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартиби ҳам белгиланган. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Кун тартибига киритилган бошқа бир қатор қонунлар ҳам Сенат аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирманчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Манал Шах АЛКАДРИ:

ЎЗБЕКИСТОН – ЎЗ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИНИ ТЎҒРИ ТАНЛАГАН МАМЛАКАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг, айниқса, иқтисодий ҳамкорликнинг қамрови кенг. Ҳиндистон компанияларида юртингиз иқтисодиётига, хусусан, автомобилсозлик ва сайёҳлик соҳаларига йирик сармоя киритишга қизиқиш кучли. Жорий йилнинг октябрь ойида Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Кришнанинг мамлакатингизга ташрифи доирасида эришилган келишувлар иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратди. Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаоллаштириш, иқтисодий алоқалар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, нефтьгаз, кончилик, геология, машинасозлик, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, фан-таълим, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлардан саналади.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ўзбекистондаги фаолиятим давомида халқ фаровонлигини ошириш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман. Сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда изчил ва самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жамиятни демократлаштириш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган, оқилона сиёсатга асосланган янгиланишлар юксак самаралар бераётир.

Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда ва бу борада ҳавас қилса арзигулик самараларга эришилмоқда. Нафақат шаҳарларда, балки энг чекка қишлоқларда ҳам барпо этилган, замонавий ўқув қуроллари ва техника жиҳозлари билан таъминланган таълим муассасалари, муҳташам спорт иншоотлари юртингизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Ўзбекистоннинг ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш борасидаги бой тажрибасини ўрганиш биз, ҳиндистонликлар учун ҳам фойдалидир.

Юртингизда етишиб чиққан кўплаб алломалар жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қисқа муддатда аждодларнинг бой маданий ва маънавий меросини — муқаддас қадамжолар, меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидаларни тиклаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида ҳавас қилса арзигулик ишлар амалга оширилди. Тошкент, Самарқанд ва Навоий каби шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар кишини ҳайратга солади.

— Шу кунларда халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигини нишонламоқда.

— Ўзбекистон — кучли, барқарор ва ўз тараққиёт йўлини тўғри танлаган мамлакат. Халқингиз истиқлол йилларида эришган ютуқлари билан фахрланса, арзийди. Мамлакатингизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қўлга киритилган ютуқлар Конституцияда белгиланган тамойиллар билан узвий боғлиқ. Конституциянгизнинг инсон манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қодир, демократик тамойилларга жавоб бера оладиган адолатли қонун ҳужжати экани амалда ўз тасдиғини топган.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз Конституциясининг 17 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, юксак фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман.

ЎзА мухбири Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Қўмитамиз сенаторлар муҳокамасига бир неча долзарб қонунларни киритган, — дейди сенатор П. Мустапов. — Чунончи, «Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидан.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлод ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Шу боисдан мустақиллик йилларида мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига доир юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид 38 та халқаро ҳужжат имзоланди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган давлатимиз қонунчилик тизими халқаро ҳуқуқнинг энг илғор демократик нормаларини ва тамойилларини ўзида мужассам этган. Бугун сенаторлар муҳокама қилган ҳамда маъқуллаган «Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишга, уларнинг ҳуқуқларига ноқонуний тажовуз қилишга қарши курашнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида муҳокама этилган масалалар замирида, аввало, Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг, кенг қўламли ислоҳотларнинг изчиллиги мужассамдир. Айни пайтда, уларнинг самарали ва бекаму кўст рўёбга чиқарилиши эл фаровонлигига, юрт равнақига хизмат қилади.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Оила» тушунчасининг бош маъноси шундай таърифланади: ***«...бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”.*** Дарҳақиқат, оила инсоният тарихида ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлашдек улуғ табиий эҳтиёж ва ижтимоий зарурат талаби билан вужудга келган. Бундай эҳтиёж абадий экан, оила ҳам абадий ва мудом одамзоднинг ҳаётида ўз ўрнига эгадир.

ОИЛА — ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

Шу билан бирга, Президентимиз китобида айтилганидек, оила айни пайтда инсоний камолотнинг биринчи ва ҳал қилувчи мактабидир. Фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали дунёни танийди, миллатни танийди, жамиятни танийди. Боболар-момолар ўгитини қалбига сингдиради, ота-онанинг меҳрибон, чексиз ғамхўрлик ва эътибор барқ уриб турган бағрида меҳр-муҳаббат қандай ноёб туйғу эканини ҳис этади, ота-оналарга боғланиш болаларда катталарга ҳурмат-эҳтиромни чуқур томир оттиради. Мухтасар қилиб айтганда, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишида оиланинг ўрни салмоқлидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистонда оила масаласига давлат миқёсида жуда катта эътибор билан қарала бошланди. Оила мақомига Ватанимиз Конституциясида алоҳида боб ажратилди. Ушбу бобда оиланинг ижтимоий мақоми атрофлича талқин этилади.

Конституциямизнинг оила масаласига доир қоидалари асосида Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли ва мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Республикамизда 1997 йилдан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан ҳар қайси йилга аниқ бир ижтимоий мақсадли ном берилиб, шу асосда кенг қамровли давлат дастурлари амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 1998 йил махсус "Оила йили" деб эълон қилинди. Шак-шубҳасиз, ана шу йилда оилалар фаровонлигини, ҳаёт ободлигини таъминлашда катта одимлар ташланди. Бироқ шу билан бирга, "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили", ниҳоят жорий йилимизнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деган ном билан аталганлиги ва шу йилларда амалга оширилган улкан ижтимоий чора-тадбирлар асосларида ҳам Ўзбекистондаги оилалар ва уларнинг манфаатларини юксалтириш мақсадлари турибди.

Умуман, Президентимиз ташаббуси ва ғоялари асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, аввало, халқимиз учун, янада аниқроқ қилиб айтсак, Ўзбекистон оилалари учун муносиб турмуш шароитини яратиш, оилаларни янада мустаҳкамлаш мақсадлари мужассамдир. Биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойига тааллуқли айрим маълумотларни эслайлик. Мамлакатда шу қисқа вақт ичида 699 та умумтаълим мактаби, 181 та касб-ҳунар коллежи, 18 та академик лицей бунёд этилди ёки капитал реконструкциядан чиқарилди ҳамда улар энг замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Хўш, булар нима учун қилинаяпти? Албатта, мамлакатимиз оилаларида ўсиб келаётган фарзандларни маънавий-маърифий ривожлантириш учун-да! Шунингдек, жорий йилда мамлакатимизнинг турли жойларида 169 та болалар спорти объекти, 235 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Бу спорт ва тиббиёт муассасалари, табиийки, Ўзбекистон оилалари ва уларнинг бағридаги фарзандларнинг жисмоний баркамоллигига хизмат қилади.

Гап ижтимоий ҳимоя тўғрисида бораётган экан, яна айрим рақамларни келтириб ўтайлик. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бериладиган нафақалар миқдори жорий йилда 1 триллион сўмдан ортиши кутилаётган бўлса, 2010 йилда ушбу соҳага 1,4 триллион сўм маблағ сарфланиши мўлжалланмоқда.

Менинг Конституциям

Умуман, республикамизда оилалар даромадини барқарор ўстириб бориш — ҳамиша Президентимиз ва давлатимиз эътиборидадир. Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдори узлуксиз ошириб борилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Шу билан бирга, оилаларни ижтимоий ҳимоялашнинг фаол шакллари ҳаётда кенг ўрин олмоқда. Масалан, жаҳон миқёсидаги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кўп мамлакатларда ишсизлар сони тобора ортиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистонда аҳоли учун минглаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Касаначилик — оилалар бандлигини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бирига айланаяпти. Мамлакатда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун банкларимиз кредитлар миқдорини тобора оширмоқда. Ёки яна битта оддий далил: жорий йилнинг ўтган 9 ойида кам таъминланган оилаларга 15 мингдан зиёд сигир берилди. Демак, энди бу оилаларда чорва моллари туёғи кўпайиб, уларнинг турмушига барака кириб бораверади.

Шунингдек, Ватанимизда оилаларни маънавий жиҳатдан ривожлантириш соҳасида улкан натижаларга эришилмоқда. Янги ҳаёт одамларда янгича онг, янги тафаккур ва дунёқарашни тарбиялямоқда. Бугунги оилалар ва уларнинг аъзолари онги, қарашлари бундан 18 йил аввалги юртдошларимизнинг маънавий дунёсидан кескин фарқ қилади.

Аммо шу билан бирга, ҳозирги глобаллашув даврида ташқаридан мустақиллигимиз, миллий менталитетимиз ва қадриятларимиз ривожига рахна солувчи турли кўринишдаги маънавий-мафкуравий таҳдидлар ҳам кучаймоқда. Биз оила мавзусида сўзлаётганлигимиз учун худди шу йўналишда хатарли бўлган битта далилни келтирмоқчимиз. 2005 йилнинг 1 январида Европа давлатларидан бирида, эр ёки хотиннинг хиёнати оилани бузишга сабаб бўла олмайди, деган қонун қабул қилинди. Албатта, буни уларнинг ички иши, дейишимиз мумкин. Аммо бу қонун интернет каналлари, Ғарб оммавий ахборот воситалари орқали бутун дунёга демократия намунаси, шахс эркинлигида қўйилган янги қадам сифатида тарғиб қилина бошландики, бу энди халқаро маънавий муаммолардан бири тусини олди. Аммо биз биламиз ва ишончимиз комилки, Ўзбекистондаги оилалар бундай тарғиботларнинг фарзандларимиз онгидан жой олишига ҳеч қачон йўл бермайди. Сабаби, эр ёки хотин хиёнати бизнинг шарқона тарбиямизда оилаларни бебурд этадиган ҳолат сифатида кескин баҳолаб келинган ва шундай бўлиб қолади.

Мамлакатимизда оилаларни турли шакллардаги бачкана таъсирлардан асраб-авайлашга қаратилган самарали чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. Шу маънода, Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони алоҳида диққатга сазовордир. Чунончи, ушбу Фармонда 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб маҳалла фуқаролар йиғинини кенгашлари тузилмасида диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш кўзда тутилади. Бундан мақсад — маҳалла ва оилалар муҳитида маънавий-мафкуравий тарбияни сифат жиҳатдан такомиллаштириш, бу ишларни давр талаблари даражасига кўтаришдан иборатдир. Ушбу лавозимга ҳар жиҳатдан салоҳиятли, маърифатли, маҳаллаларда обрўли ва фаол хотин-қизлар сайланмоқдалар ҳамда улар Президентимиз Фармонида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда жонкуярлик кўрсатмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистонимизда инсон энг олий қадрият ҳисобланади, оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлиги олий мақсад саналади. Бундай юксак инсоний шароитда оилалар ҳам давлат ва жамиятнинг тараққиётида тобора фаол ўрин эгаллаб бораверади. Ўзбекистон оилалари бағрида эл-юрт манфаатини ўйлаётган замонавий етук мутахассис кадрлар, тадбиркорлар, қишлоқларда ажойиб, замонавий билим-малакали фермерлар, спортда ва санъатда номи дунёга танилган забардаст салоҳиятли фарзандлар йил сайин тобора кўплаб етишиб чиқаётганлиги кўп нарсани англатади.

Михли САФАРОВ.

МАМЛАКАТИМИЗ ҲУҚУҚИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Бу йил Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига ўн етти йил тўлди. Ўтган тарихан қисқа давр мобайнида Конституциямиз халқимизнинг кўп асрлик ҳуқуқий анъаналари ва жаҳон конституциявий тажрибасининг энг илғор жиҳатларини, энг мақбул принципларини ўзида мужассамлаштирганлигини амалда тўла намоён этди.

Юртбошимиз қайд этганидек: "Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди".

Конституциямиз биз орзу қилган адолатли, очиқ ва демократик жамиятга эришиш, шундай ёруғ кунларга муносиб тарзда яшаш учун ўзимиз қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуғ қўлланма вазифасини ўтамоқда. Унда ёзилган қоидалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида ўз аксини тобора тўлароқ топмоқда.

Истиқлол йиллари Конституциямиз қай даражада пухта ва ҳаётий эканлигини яққол исботлади. Бу даврда Ўзбекистонда конституциявий давлат қарор топди.

Конституция, таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқий билимларнинг алифбосидир. Конституция — давлатни давлат, миллатни миллат қиладиган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат. У дунёнинг сиёсий харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлганини қонуний мустаҳкамлади.

Мустақиллик йилларидаги бутун туб демократик ўзгаришлар Конституция негизида кечди ва кечмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул қиламиз".

Конституция — узоқ йилларга мўлжалланган муҳим дастурламал, ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳон тамаддунининг буюк ютуғидир. Ҳеч бир демократик давлатни Конституциясиз тасаввур этиб бўлмайди. Бош Қомусимизнинг аҳамияти йил сайин, кун сайин ортиб бормоқда. Шу ўринда Конституцияни тайёрлашнинг ўзи олам-шумул масала эканини алоҳида қайд этмоқчимиз.

. Шу боис Конституциямизнинг яратилиш тарихига бир назар ташлайлик. Маълумки, илк бор Ўзбекистонда янги Конституция ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ғояси 1990 йил март ойида янграган эди. Мустақиллигимиз эълон қилинишидан бирмунча вақт олдин, ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида собиқ иттифоқ таркибидаги республикамизда Президентлик бошқаруви жорий этилди, давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

1990 йил июнида Ўзбекистон Олий Кенгаши Мустақиллик декларациясини эълон қилди ва унинг 12-бандида собиқ иттифоқда биринчи марта ушбу ҳужжат мамлакатимизнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлажаги қайд этилди.

Ўшанда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида депутатлар, давлат ва жамоат арбоблари, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилди. Давлатимизнинг келажаги ва халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ экани мазкур комиссия зиммасига нечоғли улкан масъулият юкланганидан далолат эди.

1990-1991 йилларда Конституциянинг учта муқобил концепцияси тайёрланди. Сўнг улардан энг мақбули танлаб олинди. У ҳам қайта-қайта таҳрир қилинди, мукамаллаштирилди, маромига етказилди. Конституция ижодкорлиги борасида чет эл тажрибаси кенг ўрганилди. Дастлабки босқичнинг ўзида 97 та хорижий конституция таҳлил этилди.

1991 йил 31 августда Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот қабул қилди. Баёнотда таъкидландики: "Бундан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика Конституцияси ва қонунлари, шак-шубҳасиз, устун деб эътироф этилади". Шу куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Конституциявий қонун ҳам қабул қилинди. Ундан бўлажак Конституциянинг ўзак қоидаларини ўзида акс эттирган бир қатор муҳим моддалар жой олди.

1992 йил 26 сентябрда мустақил Ўзбекистон Конституциясининг биринчи лойиҳаси тайёр бўлди. Унинг устида тахминан икки йил давомида ишланди. Лойиҳа шу куни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Лойиҳа эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган қарийб 600 та хат келиб тушди. Фуқаролар билдирган таклифлар сони 5 мингдан ошиб кетди.

1992 йил 21 ноябрда лойиҳа иккинчи марта умумхалқ муҳокамаси учун газеталарда чоп этилди. Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент — Конституция лойиҳасининг икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат, бир томондан, умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарган бўлса, иккинчи томондан, Асосий Қонунимизнинг халқчиллигини таъминлади.

Ва ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгаш сессиясига муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Парламент депутатлари томонидан лойиҳа моддама-модда муҳокама қилиниб, унга яна бир қатор ўзгартишлар киритилгач, Бош Қомусимиз қабул қилинди.



Ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, миллий руҳиятини, ижтимоий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини акс эттиради. Шу маънода, умумхалқ муҳокамаси, таҳрир ва тузатишлардан сўнг Конституция сезиларли даражада мукаммаллашди, маромига етди ва биз ҳар куни самараларини кўраётган ягона миллий ғоя, мантиқ ва асос билан суғорилган фундаментал ҳуқуқий ҳужжат дунёга келди.

Бошқача айтганда, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилиши, сайқал топиши эвазига Конституциямиз том маънодаги халқчил Қомусга айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз раҳнамолигида Бош Қомусимиз қабул қилинар экан, мустақил давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига ўзининг демократик ғояларга, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилишини, дунё томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига содиқ бўлишини баралла намоён этди.

Конституциямизнинг демократик моҳияти айнан нималарда намоён бўлади?

Энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси тарихда синалган ҳамда халқаро ҳамжамият эътироф этган умуминсоний ва умумбашарий ҳуқуқий қадриятларни ҳамда халқаро андозаларни ўзида мужассам этганлиги билан, ҳақиқатан ҳам, демократик Конституциядир.

Қолаверса, Ўзбекистон Конституцияси тараққий топган давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсидир давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормай, балки энг илғор хорижий конституциявий принцип ва қоидалар, тажрибалар ўрганилди ва эътиборга олинди. Натижада эндиликда Бош Қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай ривожланган давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Ва ниҳоят, Конституциянинг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган. Конституциямиз умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Имом Бухорий ва Термизий, Форобий ва Мотуридий, Марғиноний ва Яссавий каби улуғ боболаримиз даврида, Соҳибқирон Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни ва ҳуқуқий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат ва ҳақиқат, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик ва мардлик, тантилик каби миллий менталитетимизга ва маънавиятимизга хос улуғ ахлоқий хислатлар Конституциямизда муносиб даражада ўз аксини топган.

Конституцияни яратишда унинг мазмун-моҳиятида фуқароларимизнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби ибратли сифатлар ўз аксини топиши учун ҳаракат қилинди. Унда юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам муҳим ўрин тутади.

Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан, ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси чиққан тизимдан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилмоқда. Айни чоғда, адолатли ва инсонпарвар Асосий Қонунни яратиш ва қабул қилиш қанчалик муҳим бўлмасин, бу жараён мамлакатимиз мустақил конституциявий ривожланишининг илк босқичи ҳисобланади, холос.

Конституция барқарор бўлиши керак, аммо у мутлақ ўзгармас, қотиб қолган догма ҳам эмас. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 83-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган ва умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ролини кучайтириш, Ўзбекистоннинг сиёсий тизимини янада такомиллаштириш йўлида навбатдаги улкан ва муҳим қадам бўлди. Ушбу ўзгартиш ва тузатишлар ҳокимиятнинг вакиллик ҳамда ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратди. Шунингдек, ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб бериш тартибини ўрнатди.

Кези келганда, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилгани бежиз эмаслигини таъкидламоқчимиз. Зеро, бу алоҳида муҳим ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамиятда кенг муҳокама қилиниши, бир томондан, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини кучайтиришга туртки бўлди, иккинчи томондан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни демократик янгилашда сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти ошишига кўмак берди.

Конституциянинг нормаларини нима ҳаракатга келтиради? Албатта, қонунга итоатгўйлик. У, авваламбор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам Конституцияни билишларини қатъий талаб этади.

Юртимизда демократик, конституциявий, ҳуқуқий тузумни мустаҳкамлаш, ижтимоий онгда Конституцияга, ҳуқуқ ва қонунга нисбатан ҳурматни ҳамда конституциявий ватанпарварликни қарор топтириш, булар — янгиланаётган Ўзбекистондаги мустақил конституциявий тараққиётнинг таркибий қисмларидир.

Айнан Конституцияга ҳурмат ва меҳр Ватанга, ўз халқига садоқатни келтириб чиқаради. Бу эса жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришни тақозо этади.

Шу маънода, Конституцияни ўрганиш борасида Президентимиз 2001 йил 4 январда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишининг аҳамияти нечоғли юксак эканини эътироф этиш жоиз.

Эндиликда Конституциямиз болалар боғчаларидан бошлаб, мактабларда, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўқитилмоқда. Мазкур фармойиш талабларини бажариш йўлида бугунги кунгача ўнлаб дарслик, рисола ва махсус қўлланмалар тайёрланиб, ҳар икки имлода, бир неча тилда нашр этилгани айни муддаодир. Шундай қилиб, мамлакатимизда Конституцияни ўрганишнинг узлуксиз тизими яратилди.

Мухтасар айтганда, Конституция — бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзи. Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя, демакдир.

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистоннинг ўзлигини дунёга тўла намоён этишини таъминлаётган, мустақиллигини тасдиқловчи ноёб гувоҳнома.

Конституция — нафақат бугунги куннинг Қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган адолатли фуқаролик жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи дастуриламал ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор.

Ҳамкорлик

Тошкентда Ўзбекистонда молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаш ва молиялаш имконини кенгайтиришга қаратилган лойиҳанинг расмий тақдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

МОЛИЯ БОЗОРИДА ЯНГИ ЛОЙИҲА

Уч йилга мўлжалланган ушбу лойиҳа Жаҳон банки гуруҳининг аъзоси бўлган Халқаро молия корпорацияси ва Швейцария ҳукумати ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад, кредит алмашинуви тизимини такомиллаштириш орқали молия бозори инфратузилмасини ривожлантириш, молия муассасаларининг хатарни бошқариш соҳасидаги ходимларини профессионал сертификатлашни жорий қилишдан иборат. Бу, ўз навбатида, вақт ва ресурсларни тежашга, кам фоизли ва узоқ муддатли молиялаш манбаларининг кўпайишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Аслида, мамлакатимизда бу борада изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Марказий банкда Кредит ахбороти миллий институти ва Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Банкларо кредит бюроси ташкил этилгани бунинг исботидир. Улар бугунги кунда самарали фаолият кўрсатиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Анжуманда сўзга чиққанлар айни шу хусусда алоҳида тўхталдилар. Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган ишлар кредит ахбороти алмашинуви тизими ва унинг ҳуқуқий базасини ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Лойиҳа раҳбарининг айтишича, ҳамкорликдаги мазкур лойиҳа, айниқса, аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хусусий тадбиркорлик субъектларига катта имкониятлар яратади. Гап шундаки, лойиҳада хусусий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришга доир дастурларни кам фоизли ва узоқ муддатли кредитлар билан молиялаштириш, шу орқали кўплаб янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, Халқаро молия корпорацияси бу борада етарли тажрибага эга. Негаки, у 2001 йилдан буён 60 дан ортиқ давлатда консультатив дастурларни бажариш ва инвестициялар жалб этишга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг реал секторига 14,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сармоя киритилгани шундан далолат беради.

С. РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

O'ZDONMAHSULOT

жонажон мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 17 йиллиги

шодиёнаси билан қизғин табриклаб, барчаларига мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига қут-барака, юртимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатларида улкан зафарлар тилайди.

1293R/1233

«Максам Чирчиқ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

азиз юртдошларимизни ҳамда соҳада хизмат қилаётган барча ҳамкасбларимизни умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

17 йиллиги билан

самимий муборакбод этади!



Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, барча ишларингизда омад тилайди!

O'ZSANOATQURILISHBANK

17



«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ЖАМОАСИ

8 декабрь — республикамиз Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан барча юртдошларимизни самимий табриклайди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг бош мезони Конституциямизнинг 17 йиллик байрами барчамизга муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Ушбу қутлуғ айём мамлакатимизга янгидан-янги зафарлар олиб келсин!



Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

Қадрли
ҳамюртлар!
«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
компанияси жамоаси
барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги
билан чин қалбдан қутлайди!
Хонадонингизни
яхшилик ва муҳаббат,
сиҳат-саломатлик,
тинчлик-тотувлик
ҳеч қачон
тарк этмасин!
Юртимиз ҳамиша тинч,
осмонимиз мусаффо
бўлсин!

IPOTEKA BANK
Ҳурматли юртдошлар!
Сизни Конституция куни
билан табриклаймиз!
Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч,
юрт тинчлиги ва ободлиги
йўлида амалга ошираётган ишларингизга
ривож тилаймиз.

PETRONAS
PETRONAS Carigali Overseas Sdn. Bhd.
компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
сизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
муносабати билан самимий табриклайди
ҳамда барчангизга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик
ва сиҳат-саломатлик тилаб қолади!

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банки (ОАЖ)

сизларни

Конституция куни

билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ:

«КОНСТИТУЦИЯ-2009»

Сақланиш муддати — 2 ой, омонат бўйича йиллик 29 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

«СТАБИЛЬНЫЙ» евро да

Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

«УНИВЕРСАЛ» АҚШ долларида

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1.	Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2.	«Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3.	Шайхонтоҳур филиали	(371)	140-39-36
4.	Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5.	Сергели филиали	(371)	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8.	Асака филиали	(374)	233-13-69
9.	«Фарҳод» филиали	(374)	229-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11.	Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12.	Олтиариқ филиали	(373)	432-10-11
13.	Қўқон филиали	(373)	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18.	Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20.	«Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21.	Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

1245R/150



8 ДЕКАБРЬ

UzKDB Bank

Ўзбекистон халқини, ўз мижозлари ва ҳамкасбларини

Конституция куни

билан чин дилдан муборакбод этади!

Барчага бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва тинчлик-хотиржамлик тилайди.

1245R/1706

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!



Ҳар доим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, оиламиз фаровон бўлсин!



«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг миллий валютамиз ва чет эл валюталари қабул қилинадиган омонат жамғармаларидан фойдаланинг!

«Истеъмол жамғармаси» омонатига маблағ қўйган киши банкдан бир ярим ойдан сўнг шу маблағининг уч баробари миқдорида истеъмол кредити олиши мумкин.

Олти ой муддатли **«Камалак»** омонатига маблағ қўйганлар фоиз суммаларини олмаса, ушбу фоизлар жамғармага ойма-ой қўшиб борилади, яъни капитализация қилинади.

Банкнинг **«Махсус Меҳрибонлик»** омонати Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар учун аталган бўлса, **«Махсус Мададкор»** омонати ижтимоий кам таъминланган оилаларда яшовчи жисмоний шахслар учун қулайликдир. **«Бахтли болалик»** омонати вояга етмаган болалар номига очилади, юқори фоизли **«Нуроний»** жамғармасига эса нафақа ёшидаги фуқаролардан маблағлар қабул қилинади.

Беш ой муддатли **«Кафолат»** ҳамда бир йил муддатли **«Ишонч плюс»** омонатларига маблағлар фуқароларнинг хоҳишига қараб АҚШ долларида қабул қилинади. Турли муддатли **«Универсал»** омонатига чет эл валюталарида маблағлар қабул қилинади. Банкнинг пластик карточкалар орқали фаолият кўрсатадиган ва йиллик 20 фоиз даромад келтирадиган **«Хазина-карт»** омонати энг қулай ва замонавий омонат жамғармаси ҳисобланади.

Шунингдек, банк **«Коммунал-Люкс»**, **«Ёшлик»**, **«Нурафшон»**, **«Она юрт»** сингари жами 23 турдаги омонатларга маблағларни қабул қилмоқда! Муҳими, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос имтиёзлари ва қулайликлари мавжуд!

Хизматлар лицензияланган.

Омонатга қўйилган маблағ «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан давлат томонидан ҳимояланган ва омонатлар бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари таъминланади.

Ҳурматли мижозлар! *«Микрокредитбанк» омонатларидан бирортаси сиз учун, албатта, манзур бўлишига ишонамиз!*

1285R/1706

Маълумки, муайян мамлакатда иқтисодиёт ривожлангани сайин унинг реал секторига молиявий ресурсларни жалб этиш банк кредитларидан қимматли қоғозлар бозорига ўтиб боради. Зотан, қимматли қоғозлар бозори молия бозорининг бир қисми бўлиб, у банк кредитлари хизматини ҳам ўз ичига олади. Шу боис республикамизда фонд бозорини ривожлантиришга, унга инвесторларни кенгроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий банк:

ФОНД БОЗОРИДАГИ ЕТАКЧИ ИНВЕСТОР

Юртимизда фаолият юритаётган тижорат банклари мазкур бозорнинг иштирокчиларигина бўлиб қолмасдан, балки бозор инфратузилмасини шакллантириш борасидаги вазифаларнинг бир қисмини ўз зиммаларига олгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этаяпти. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, "Ўзмиллийбанк" қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ривожлантириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда "Элсис-Савдо" биржадан ташқари савдолар электрон тизимини яратди. Ҳозирги кунда янги дастурий маҳсулотларга таянган ҳолда ишлайдиган буюртманомалар қабул қилиш пунктлари тармоғини ташкил этиш ишлари олиб борилаяпти.

Банк бўлимларида очиладиган бундай пунктлар орқали қимматли қоғозлар сотиб олиниши ва сотилишини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, аввало, олди-сотди ишларида бир қатор қулайликлар, шунингдек, қимматли қоғозлар эгаларига таклиф этилаётган банк маҳсулотларидан ўзлари учун энг манфаатлисини танлаш имконияти яратиб берилади. Бунда мижоз ўз маблағларини банк депозитларига қўйиши, қимматли қоғозларга қўйилмалар билан боғлиқ ва бошқа хизматлардан фойдаланиши, қолаверса, шу ернинг ўзида ўз жамғармаларини бошқа банк маҳсулотига йўналтириши ҳам мумкин.

Банк инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларидан бири фонд портфелининг даромадлилигини таъминлашдан иборатдир. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида Миллий банкнинг шундай қўйилмалари ҳажми 2009 йил 1 ноябрда 349,6 млрд. сўмга етказилди. Ваҳолонки, бу кўрсаткич шу йилнинг бошида 39,4 млрд. сўмни ташкил этган эди. Кўриниб турибдики, ўтган даврда банкнинг инвестиция портфели ўсиши 310,2 млрд. сўмга тенг бўлди.

Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик, андеррайтинг, давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар портфелларини шакллантириш, банк ўз қимматли қоғозларини чиқариши каби хилма-хил хизматларни тақдим этаётгани ютуқлар омили бўлмоқда. Табиийки, бунда Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлаётир.

Миллий банк томонидан жорий йилда банк қимматли қоғозлари бозорида илк маротаба жамғарма сертификатлари бўйича ютуқлар ўйналганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Негаки, ушбу янгилик туфайли қимматли қоғозларни сотиб олган жисмоний шахслар сертификат сўндирилганида омонатнинг асосий суммаси ва қўшилган фоизларни қайтариб олишларидан ташқари, қимматбаҳо совринлар ютиб олиш имконига ҳам эга бўладилар.

Молия муассасаларида

Эътиборли жиҳати шундаки, банк иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари корхоналари акциядорлари таркибига кириб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини молиялаштиришда ҳам фаол иштирок этаяпти. Хусусан, Миллий банк айни пайтда "Ўзавиализинг" ОАЖ ва "Ўзметкомбинат" АИЧБ каби корхоналар акциядори ҳисобланади.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармонлари, шунингдек, тизимдаги корхоналарнинг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини янада кучайтиришга, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳозирда саноат корхоналари дуч келаётган асосий муаммолар кўп жиҳатдан ўзаро ўхшашдир. Хусусан, менежмент даражаси пастлиги, корхонага тегишли асосий фондларнинг сифати ва самарадорлиги ҳисобга олинмасдан, уларнинг қиймати мунтазам равишда оширилаётганлиги, айланма маблағлар етишмаслиги ва тўлов интизоми бузилиши оқибатида улар қарздор бўлиб қолмоқдалар. Бундай корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришда банк иштироки кенгайиб бораётгани қувончлидир. Жумладан, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг молмулкини банк балансига қабул қилиш бўйича аниқ мақсадли ишлар олиб борилаяпти.

Бугунги кунда 28 та ана шундай корхонанинг умумий қиймати 241 млрд. сўм бўлган молмулки мазкур банк балансига ўтказилган. Уларнинг негизида 23 та янги хўжалик юритувчи субъект ташкил этилди. Корхоналар самарадорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида эса бошқарув хизмати банкнинг "NBU INVESTMENT" ОАЖ ва "NBU Invest Group" шўъба инвестиция компаниясига берилди.

Амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар самараси кўзга яққол ташланмоқда. Янги корхоналарда қарийб 3,5 мингта иш ўрни очилгани, замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланиб, 2009 йил 1 ноябрга қадар 25,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шунинг 12,8 млн. АҚШ доллари қийматидагиси эса экспорт қилингани бунинг тасдиғидир.

"Чиноз тўқимачи" Ўзбекистон — Япония — Туркия қўшма корхонаси негизида ташкил этилган "Chinoz Textile" МЧЖ — шундай корхоналардан бири. Банкнинг 3,2 млрд. сўм миқдоридаги сармояси эвазига бу жамият Япония ва АҚШдан келтирилган замонавий технологик линиялар ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Натижада бу ердаги 500 та иш ўрни тўлиқ сақлаб қолинишига муваффақ бўлинди. Айни пайтда ўз иш жойига қайтган жамоа томонидан жаҳон бозорида харидоргир бўлган калава ип ва газлама ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги энг катта тўқимачилик корхоналаридан бири – "Oqsaroy Textile" МЧЖга 2 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилгани боис 600 та иш ўрнини сақлаб қолишга, ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга эришилди.

Яна бир тўқимачилик корхонаси – "VODIY IPAGI" масъулияти чекланган жамияти ҳам банк оталиғида Наманган шаҳридаги икки корхона – "Атлас" АЖ ва "Силк Роад" ҚК негизида ташкил этилди. Унинг устав сармояси 5,95 млрд. сўм қилиб белгиланган бўлиб, бугунга қадар қарийб 3,3 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилди. 850 кишини бағрида жамлаган мазкур корхонада юқори сифатли ипак ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, Хоразмдаги "Хоразм гиламлари", пойтахтдаги "Азия Бисквит" корхоналари ҳам "Ўзмиллийбанк" сармоялари ҳисобига ўз фаолиятини янгидан бошлаб, ташқи бозорга харидоргир маҳсулот бермоқда. Шу маънода, иқтисодий ночор корхоналарнинг "Ўзмиллийбанк" балансига ўтказилиши ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган қарор бўлди, дейиш мумкин. Сабаби, банкнинг ички инвестициялари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг асосий омилларидан бирига айланиб, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилаётир.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

"Mitsubishi Motors" (Япония) ва "Peugeot Citroen" (Франция) автомобилсозлик компаниялари ўзаро музокара ўтказди, дейилади "BBC" хабарида.

Акцияларини сотиб олмоқчи

Унда Франция корхонаси "Mitsubishi Motors"га тегишли акцияларнинг маълум миқдорини сотиб олиш таклифини билдирган. Ҳозирча унинг неча фоизи харид қилиниши аниқ эмас. Аммо Япония матбуотида бу миқдор 30-50 фоиз атрофида бўлиши келтириб ўтилган.

Қуёш ёрдамида парвоз

Швейцарияда қуёш батареялари ёрдамида учадиган самолёт синовдан ўтказилди.

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, техника мўъжизаси дея эътироф этилаётган мазкур "пўлат қанот" тўртта двигателга эга. У илк парвози чоғида бир неча метр баландликка кўтарилди. Мутахассислар самолётни янада такомиллаштириш учун шу синовдан тегишли хулоса чиқарганликларини билдиришди.

Меҳмонхонада портлаш

Сомали пойтахти Могадишодаги "Шамо" меҳмонхонасида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди, дейилади "Ассошиэйтед пресс" ахборотида.

Хунрезлик мамлакатдаги университетларнинг битирувчиларига дипломлар топшириш маросими бўлаётган вақтда амалга оширилган. Оқибатда 22 киши ҳалок бўлган.

Маълум бўлишича, портлашни аёл киши кийимидаги террорчи амалга оширган.

Гриппга қарши самарали дори

Японияда Эпидемиологик тадқиқот марказининг бир гуруҳ олимлари A/H1N1 гриппига қарши янада самарали даволаш воситаси яратилганини маълум қилишди.

Тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари Тадааки Миядзакининг сўзларига кўра, препарат сичқонларда синаб кўрилганда ижобий самара берган. Якуний таҳлиллардан сўнг у амалиётда қўллаш учун тавсия этилади.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирда мазкур ғайритабиий вирусни бартараф этишда, асосан, "Тамифлю" дорисидан фойдаланилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МЕҲР-ШАФҚАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 13-модда)

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида Асосий Қонунимизда эътироф этилган бу тамойиллар изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётир. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ этилгани, айниқса, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар улкан самаралар бермоқда. Халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топгани мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ишларнинг ёрқин намунасидир.

Давлатимиз раҳбарининг тақдимномасига асосан, шу йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Қарор ва ижро

Инсон эрки билан боғлиқ бу ҳужжат кўплаб кишилар кўнглида умид учқунларини ёқди. Зеро, инсон учун дунёда озодликдан улуғроқ неъмат йўқ. Билиб-билмай жиноятга қўл урган кишиларнинг афв этилиши уларни ҳалол яшаш ва фойдали меҳнат билан шуғулланишга рағбатлантирмоқда.

Қайд этиш жоизки, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши қарорда алоҳида таъкидланган.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида бўлиб ўтган тадбирда бир неча маҳбус қарорнинг ана шу тамойили асосида озодликка чиқарилди. Бу — ўз хатосини англаб, қилмишидан пушаймон бўлаётган кишилар учун юртимиз равнақи ва фарзандлари келажаги йўлида тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилиши учун берилган улкан имкониятдир.

— Қамоқда ўтган кунларим мобайнида юртим, яқинларим ҳақи-ҳурмати тўғри яшашим зарурлигини, кирган йўлимнинг эртаси йўқлигини чуқур англаб етдим, — дейди Р. Маҳкамов. — Президентимизнинг мен каби адашганларни оталарча ғамхўрлик билан кечирганидан беҳад миннатдорман. Бу ишончни энди ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

ФЕРМЕРЛАР АНЖУМАНИ

Нукус шаҳрида "Фермер хўжаликлари фаолиятида қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантириш" мавзуида республика кўргазмали семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмаги асосида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари, илмий текшириш институтлари мутахассислари ҳамда қорақалпоғистонлик ва Хоразм вилоятидан келган 100 дан зиёд фермерлар иштирок этишди.

Тадбирда Президентимизнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида фермер хўжаликларига инвестициялар жалб этиш, замонавий минитехнологияларга ва ихчам асбоб-ускуналарга асосланган қайта ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди. Таъкидландики, ишлаб чиқаришда кооперацияни ривожлантириш истиқболда фермерлар фаолиятининг янада равнақ топишига ҳамда ер эгалари маблағлари ҳисобидан кичик заводлар, саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилишига кенг йўл очади.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ

теннис столлари сотиб олиш ва улар билан умумтаълим мактабларини жиҳозлаш бўйича ТТ-2009-V тендер савдолари ўтказди.

ҚУЙИДАГИЛАР ҒОЛИБ, ДЕБ ТОПИЛДИ:

- 1, 2-лотлар — «Ҳазорасп Техметпласт» МЧЖ, Хоразм вилояти.
- 3, 4, 5-лотлар — «Машхим» МЧЖ, Наманган вилояти.
- 6, 7-лотлар — «Катрис» ХК, Тошкент шаҳри.
- 8-лот — «Отабек» МЧЖ, Самарқанд вилояти.
- 9, 10, 12-лотлар — «Азия спорт С» ХФ, Тошкент шаҳри.
- 10-лот — «Файз» ОАЖ ХК, Тошкент шаҳри.
- 13, 14-лотлар — «Мансурходжаев» ХТ, Тошкент шаҳри.

1296R/1706

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.

Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.

zakamsk-group@mail.ru

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори **Нуриддин Юсупович ЖЎРАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси газета мажмуаси катта диспетчери Назрулло Ҳамроевга падари бузруквори **Бозор ота ҲАМРОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети раҳбарияти Электроника ва микроэлектроника кафедрасининг доценти Қутуб Аюповга қизи **Саодат АЗИМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Тиббий биология ва генетика кафедраси мудири, доцент Муҳаммадамин Шертаевга падари бузруквори **МАМЕТЖОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Меҳнат иқтисодиёти ва аҳолишунослик кафедраси катта ўқитувчиси Шоира Жаббаровага онаси **МАЪСУДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси компания раҳбарияти қошидаги маслаҳатчи Акбархўжа Раҳимовга турмуш ўртоғи **Анаид РУСТАМ қизининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муҳтарам газетхон!
Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.

Жаҳондаги турфа миллату элатларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга, тараққиёт йўлига, маданиятига эга. Улар инсоният аталмиш ягона бир яхлитликнинг бўлинмас зарраларидир. Бироқ миллату элатларнинг ҳеч бирини камситмаган ҳолда, айтиш мумкинки, оламда тарих сарҳадида оғирроқ юк кўтарган, тафаккуру қобилияти билан буюк инкишофлар қилган халқлар ўзига хос мавқега эга.

МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Чунончи, мана шундай миллатлар орасида ўзбек халқи ҳам борлиги бизга ғурур бағишлайди. У ўзининг бой тарихи, истеъдодли фарзандлари бунёд этган бебаҳо маънавий хазинаси, миллий қадриятлари, мафтункор санъати, гўзал тарихий обидалари билан такрорланмас қиёфа инкишоф этгани бор гап. Бинобарин, Истиқлол даврида миллий меросимиз, қадриятларимиз нафақат тикланди, балки уни қадрлаш, авайлаб-асраш, эъзозлаш йўлга қўйилди.

Юртбошимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини қайд этар экан, бу борада маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолажагини таъкидлаган эди.

Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Янада аниқроқ айтсак, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат.

Шу ўринда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Юртбошимиз ташаббуси туфайли ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. Унинг асосий мақсади, Ўзбекистон халқининг асрлар давомида яратилган бебаҳо меросини излаб топиш, авайлаб-асраш, мамлакатимизда ва хорижда уни кенг тарғиб қилишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, қисқа муддатларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва туманларда жамғарма тизимлари таркиб топди.

Ўтган йиллар мобайнида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси миллий меросимизни асраш, маънавиятимиз ривожи, санъатимиз барқарорлиги учун талай ишларни амалга оширди. Халқимиздан сотиб олинган 400 га яқин қўлёзма ва тошбосма асарлари, осориатиқалар, тикланган ва обод этилган ўнлаб зиёратгоҳу қадамжоларда, миллий қадриятларимиз тарғиботи юзасидан юртимизда ва хорижда ўтказилган юзлаб тадбирлар шулар жумласидандир.

Миллий қадриятларимизни, мумтоз санъатимизнинг ўзига хос йўналишларини тарғиб-ташвиқ этиш, уни келгуси авлодларга етиб боришини таъминлаш жамғарма диққат марказида турган масалалардан биридир. Маълумки, мамлакатимизда олти мингдан зиёд тарихий обидалар, ёдгорликлар давлат рўйхатига олинган. Улар давлат томонидан, хусусан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимлари томонидан муҳофаза қилинади. Алалхусус, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси тасарруфида ҳам 100дан зиёд зиёратгоҳлар, археология ва архитектура обидалари, қадамжолар мавжуд. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда Тошкент вилоятидаги Шомирқори авлиё, Шодмалик ота, Ургут туманидаги Ғавсул Аъзам, Чорчинор, Ширвоқ ота, Нурободдаги Ҳазрат Довуд, Фарғонадаги Шоҳимардон, Қаршидаги Қиличбек мадрасаси ва бошқа ўнга яқин зиёратгоҳлар, обидалар бюджет маблағларисиз, халқимиз саъй-ҳаракати эвазига таъмирланди.

Халқимиз беназир қўшиқчилик санъатига эга. Жумладан, Марғилон шаҳрида Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов таваллудларининг 100 йиллигига бағишлаб ҳаваскор ижрочилар танлови ўтказилгани мақом санъатини янада оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Жамғармамиз қошида ҳам "Муножот" мумтоз ашула ва рақс ансамбли, Маданият институти билан ҳамкорликдаги "Мерос" фольклор дасталари тузилган. Улар шу пайтга қадар АҚШ, Германия, Греция, Англия каби мамлакатларда бўлиб, миллий санъатимизни намойиш қилиб қайтишди. ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг медаль ва дипломларига сазовор бўлишди.

Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида, Бухородаги Кўкалдош мадрасасида Амалий санъат марказлари ташкил этилган. Юзлаб усталар азалий мерос санъатини тиклашга жалб этилди. Эндиликда улар халқимиз меросининг кўзгусига айланди.

Шунингдек, "Сен ёлғиз эмассан" хайрия жамғармаси билан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномасига асосан меҳрибонлик уйларидаги ногирон болаларга ҳунар ўргатиш йўлга қўйилди. Шуниси қувончлики, мазкур эзгу иш яхши натижалар бера бошлади. Шогирдлар ўз устозлари ишончини нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда бўлиб ўтаётган танловларда ҳам муносиб оқламоқдалар.

Ўзбекистон — буюк алломалар, битмас-туганмас маънавий хазиналар маскани. Бу хазинанинг бебаҳо бадиий-илмий инжулари билан халқимизни таништириш йўлида ҳам фаол изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, "Мақомоти Абдухолиқ Ғиждувоний", аз-Замахшарий юбилейига бағишланган "Хоразмлик буюк аллома", Маъмун академиясининг минг йиллиги муносабати билан "Олтин мерос" тўплами, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан "Тошкентнома" китоби, хорижлик сайёҳлар учун инглиз тилидаги "Tashkentnama" нашри тайёрлаб, чоп этилди.

Амирқул КАРИМОВ,
«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 17 йиллиги

билан самимий муборакбод этади!

Меҳнатсевар халқимизнинг жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги эришаётган ютуқлари тобора кўпайиб, юртимиз кундан-кун чирой очаверсин.

Ҳар бир хонадонга тинчлик ва омонлик, бахт-саодат, дастурхонларига қут-барака, амалга ошираётган хайрли ишларига омад тилайди.



Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

«Умид ниҳоллари»га ҳозирлик

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг республика финал босқичи 2012 йили Навоий вилоятида бўлиб ўтади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт тизимининг навбатдагисини ҳар томонлама юксак савияда уюштириш мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган эди.

Ҳозирда мазкур кенгаш томонидан Навоий шаҳрида янгидан қурилаётган марказий стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва енгил атлетика манежини манзилли дастурга киритиш юзасидан ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, мусобақалар дастурига киритилган спорт турлари бўйича умумтаълим мактаблари қошида махсус тўгараклар ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Олимпиада ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида доимо кучлилар сафидан жой олиб келишмоқда. Жумладан, вакилларимиз жорий йил ўтказилган бир неча нуфузли халқаро мусобақалар, Гран-при турнирларида ҳам совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Аҳамиятлиси, халқаро дзюдо федерациясининг йил якунлари бўйича эълон қилган рейтингида ҳам полвонларимиз юқори ўринларда қайд этилди. Бу эътироф Олимпиада ўйинларига саралаш беллашувларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Рейтингда мамлакатимизнинг энг кучли дзюдочиларидан бири, Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев (+100 кг.) энг яхши кўрсаткичга эришди. У 700 очко билан иккинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўрин 800 очко жамғарган франциялик дзюдочи Тедди Риннерга насиб этди. Россиялик Александр Михайлин 556 очко тўплаб, учинчи ўринни банд этди.

Шунингдек, Дилшод Чориев (90 кг.) бешинчи, Ришод Собиров (60 кг.) олтинчи ўрин билан кифояланди.

Йил якуни бўйича рейтингга Шокир Мўминов (81 кг.), Шерали Пўлатов (100 кг.), Мирали Шарипов (66 кг.), Габит Есимбетов (60 кг.), Рамзиддин Саидов (90 кг.) сингари вакилларимиз ҳам киритилган.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ОБ-ҲАВО

(5 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Жойларга туман тушади. Ҳарорат тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Айрим жойларда ёғингарчилик бўлади. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 2-4 даража совуқ, кундузи 1-3 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 6 декабрь, якшанба куни чиқади.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2010 йил 8 январь куни соат 11.00 да ўтказиладиган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2009 йил 6 июлдаги 58-сонли ижро варақасига асосан, Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Азимбекова кўчаси, 11-уйда жойлашган тураржой (ўқув маркази) биноси. Яшаш майдони — 983,05 м², 24 хонадан иборат.

Бошланғич баҳоси — 157 500 000 сўм.

Шунингдек, 2009 йил 21 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қайтадан қўйилади:

ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан, Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Алишер Навоий (Мустақиллик) кўчаси, 29-уйда жойлашган 3 қаватли «Зебо» маиший хизмат кўрсатиш уйи биноси. Майдони — 2003,21 м², қурилиш ости майдони — 548,32 м².

Бошланғич баҳоси — 833 976 000 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган объектнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 6 январь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

(t)-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбиддинов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.25 Топширилди — 02.00

1 2 3 5